Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 24 январь, чоршанба • №7 (11.292) • Эркин нархда сотилади

## «ЎЗБЕКИСТОН – КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ»

***деди Нью-Йорк университети Фредония коллежининг иқтисодиёт профессори, доктор Марван эль Нассер «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбатда***

– Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсади билан менинг Ўзбекистонга бешинчи бор ташриф буюришим. Ҳозир ўтган йил ёзида бўлиб ўтган семинар материаллари юзасидан китоблар нашр этиш имкониятларини муҳокама қилаяпмиз. Бир ойга мўлжалланган дастур юзасидан ўтказилган мазкур тадбир доирасида АҚШ маориф тизимида фаолият кўрсатувчи хорижлик иштирокчилар Марказий Осиё давлатлари ва халқларининг тарихи, маданияти, анъаналари, иқтисодиёти билан танишишлари баробарида уларга ўзбек ва рус сўзлашув тилини жадал ўрганиш бўйича курслар ҳам ўқилди. Фавқулодда тиғиз дастур доирасида атиги 15 кун мобайнида ўзбек мутахассислари 40 маротаба маъруза ўқишди.

Бу юртга бир неча марта келаётганим боис Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар менга бир қадар яхши таниш. Бу янгиланишлар республикангиз раҳбариятининг катта саъй-ҳаракатлари туфайли рўй бераётир. Мазкур ўзгаришлар иқтисодиётни тубдан қайта қуришга қаратилгандир. Шунингдек, бу замин одамлари билан бўлган мулоқотлардан ҳам кўп нарсаларни ўргандим. Мамлакатингизда кўплаб янги йўллар, иншоотлар қурилди, нафақат пойтахтда, балки бошқа шаҳарларда ҳам қатор тарихий ва маданий обидалар ҳамда диққатга сазовор жойлар қайта тикланди. Жумладан, Самарқанд шаҳри яқинидаги Имом ал-Бухорий меъморий мажмуи кишида катта таассурот қолдиради.

Сафар давомида талабалар алмашиш ва ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг АҚШда таҳсил олиши юзасидан дастур тайёрлашда ҳам иштирок этаман. Истиқболдаги режаларда олий таълим ва илмий тадқиқот тизимларида хусусий муассасалар очилишига кўмаклашиш ҳам кўзда тутилган. Бу муқобиллик асосида Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятини оширишга, демак, давлат иқтисодиёти тараққиёти ва халқ турмуш фаровонлигининг ошишига ёрдам беради.

Шу муносабат билан бир нақлни айтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман: «Халқаро маърифатга қанча кўп эътибор берилса, дунё шунча бехавотир бўлади». Шу маънода маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги дастурларни ҳаётга тадбиқ қилаётган Ўзбекистон жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, бунга шубҳа йўқ.

***С. ҚУРБОНОВ ёзиб олди. «Жаҳон» АА.***

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, мамлакатимиз Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Соғлом авлод» ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурлари бажарилишининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарган йиғилишда бу борада белгиланган вазифа ва режаларнинг ижроси атрофлича муҳокама этилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичида кўзда тутилган кенг миқёсли, республикамиз таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилаётгани таъкидланди. Узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган барча ўқув дастурлари миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди ва янгиланди. Ижтимоий соҳа йўналишидаги барча ўқув фанлари бўйича маъруза матнлари чоп этилди. Жамиятимиздаги ўзгаришлар ва янги қарашлар асосида ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилиши учун мустаҳкам замин тайёрланди. Ўтган йил давомида «Соғлом авлод» давлат дастурида режалаштирилган, аҳолининг барча қатламлари ва айниқса ёш авлодни жисмонан ва руҳан баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, «Она ва бола» скрининг марказларини ташкил этиш борасида сезиларли ишлар бажарилди.

Йиғилишда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор жалб этилди. Кўпинча амалий иш ўрнига, мажлисбозлик, кампаниябозлик билан шуғулланиш, хўжакўрсинга тадбирлар ўтказиш, рақам ва ҳисоботлар учун ишлаш сингари жиддий нуқсонлар ҳамон камаймаётгани, фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжига беписандлик билан қараш ҳоллари юзага келаётгани кескин танқид қилинди. Айни вақтда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ҳам талаб даражасида эмаслиги, улар бевосита аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмай, аксарият ҳолларда раҳбарлар ва фаоллар доирасида чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Рисқиев, А.Мелибоев, З.Ҳусниддинов қатнашди.

***(ЎзА).***

## «КИБО» ДУНЁ БОЗОРИДА





*Ўзбекистон ҳамда Германия тадбиркорлари ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган «Кибо» қўшма корхонаси тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган пойабзалларни юртимизда суюб киймайдиган киши бўлмаса керак. Ўзининг бежирим кўриниши, сифатининг юқорилиги билан ажралиб турадиган бу маҳсулотлар корхонада меҳнат қилаётган ўз касбининг усталари маҳсулидир.*

*Корхонада ишлаб чиқарилаётган пойабзалларга нафақат ички бозорда, хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун 2000 йилда 850 миллион сўмлик маҳсулот ишлиб чиқарган корхона жамоаси 2001 йилда бу кўрсаткични янада ошириш устида изланмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий манфаатдорлигини ошириш алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 18-20 минг сўмни ташкил этмоқда. Корхона жамоасининг 2001 йилдаги бош шиори – маҳсулот тури ва сифатини янада ошириш, уларни бундан ҳам харидоргир бўлишини таъминлаш, экспорт ҳажмини юксайтириш.*

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг моҳир пойабзалчи усталаридан бири Гулдор Муротова; замонавий ишлаб чиқариш цехи.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### МЕҲР-ШАФҚАТ НОМИ БИЛАН

***Зангиота туманидаги «Назарбек» пансионатида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгашининг халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларига оид билимларни тарғиб қилиш ва қидирув мавзусига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.***

Унда вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибияти ходимлари, вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари раислари, Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари Халқаро федерацияси вакиласи Лотта хоним, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти миллий Кенгаши раҳбарияти ҳамда Қизил ярим ой жамияти шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Лотта хоним тадбирни уюштирган ва унинг қизиқарли ўтишига ҳисса қўшганларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

***Рўзиали МЕЛИЕВ.***

### СЕМИНАР ҚИЗҒИН ЎТДИ

***Қуйичирчиқ тумани Очиқ турдаги тажриба-механика акциядорлик жамиятида вилоят касаба уюшмалари қўмитасининг навбатдаги семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда «2001 йил учун жамоа шартномаларини тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида», «Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарида молиявий иш юритиш масалалари» борасидаги маърузалар тингланди.

***Дониёр КАМОЛ.***

### ТАДБИРКОР ДЎКОН ҚУРДИ

***Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Холмуҳаммад Тожибоев «Оналар ва болалар йили»да ҳамқишлоқлари учун ажойиб совға тайёрлади.***

У қўшни Қирғизовул ва Бўканбой қишлоқларига борадиган катта йўл чеккасидаги ташландиқ жойни ўзлаштирди ва ўз сармояси ҳисобидан янги дўкон қуриб, аҳоли учун яна бир қулайлик яратди.

Ҳозирги кунда бу дўконда кундалик озиқ-овқат, хўжалик ҳамда бошқа турдаги керакли маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

### МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Асримиз вабоси деб таърифланаётган СПИД ва гиёҳвандлик – бу дарди бедаволар ёйилишининг олдини олишга қаратилган кураш тобора долзарб бўлиб бормоқда. «Камолот» республика жамғармасининг Оҳангарон шаҳар бўлими ташаббуси билан Қорахитой фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам шу муаммога бағишланди.***

Унда қатор маҳаллалар фаоллари, мактаблар ўқитувчилари, юқори синфлар ўқувчилари, ички ишлар бўлимининг балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш участкалари нозирлари, тиббиёт ходимлари вакиллари қатнашдилар.

Давра суҳбатида СПИД ва тери-таносил касалликларига қарши кураш бўйича мутахассис шифокорлар – тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Расулов, Комилжон Маликовлар маъруза қилдилар ва йиғилганларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб бердилар.

***Муқаддас АЛИЕВА.***

### ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

***Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида моллар наслини яхшилаш борасида германиялик чорвадорлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.***

Шартномага мувофиқ, мазкур хўжаликда соғин сигирлар Германия тажрибаси асосида парваришланади, бу эса маҳсулдорликнинг яқин йиллар орасида уч-тўрт баравар ошишини таъминлайди. Айни вақтда бу ерда 600 бош қорамол боқилмоқда. 175та соғин сигирнинг ҳар биридан эса ўтган йили ўртача тўрт минг юз литрдан сут соғиб олинди.

Хўжаликдаги мавжуд сигирлар немис чорвадорлари тажрибаси асосида кўрикдан ўтказилмоқда. Саралаб олинганлари Германиядан олиб келинган уруғлар билан сунъий қочирилмоқда. Ишлаб чиқилган режага мувофиқ, улар йилнинг охирига бориб бузоқлайди. Ўз навбатида янги насл сараланади ва ғунажинлар 350 килограмм тош босадиган бўлгунча икки йил махсус боқилади. Ана шундан кейингина сунъий қочиришга қўйилади. Шу тариқа қорамол зоти бутунлай янгиланади.

***Неъмат ДУШАЕВ. ЎзА мухбири.***

## Таҳлил

## ДЕҲҚОННИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

### мамлакатни бой, жамиятни фаровон қилади

***ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Озод» хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йили деҳқончиликдан жами 125 миллион 573 минг сўм даромад қилдилар. Шундан 22 миллион 773 минг сўми соф фойда. Бу озми ё кўпми?***

ХЎЖАЛИК бошқаруви раиси Зокиржон Жумановнинг гапига қараганда, давлатга ғалла сотиш шартнома режасини 124 фоиз, пахта режасини 108 фоиздан ошириб бажарган жамоа учун соф даромад янада салмоқли бўлиши керак эди. Қолаверса, хўжалик деҳқонлари 3,7 тонна пилла, 46 тонна полиз ва 51 тонна сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирдилар. Демак, маҳсулот таннархини ўйлаб, сарф-харажатларда янада оқил ва тежамкор бўлинганда хўжаликнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам пировард даромадлари бунданда баракали бўлиши аниқ эди.

Аммо хўжаликнинг бош ҳисобчиси Жўрабек Мусабеков бошқача фикрда.

– Яхши ишлайдиган пудратчи оилалар жарақ-жарақ пул санайдиган бўлиб қолишди, – дейди у. – Масалан, Муҳаббат Дўсанова оиласи 560 минг 260 сўм, Мавлуда Миданова оиласи 715 минг 260 сўм даромад қилди. Қундузой Турсунқуловани эса миллионер пудратчи десак ҳам бўлаверади. У оиласи билан 954 минг сўм даромад олди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда пахта режасини ортиғи билан бажарса-да, йилни зарар билан якунлаётган хўжаликлар деярли ҳамма туманларда топилади. Шундай экан, «Озод»ликларнинг соф фойда олаётганлари ибратлидир.

– Аслида ҳамма меҳнат қилади, – дейди хўжалик бош ҳосилоти Ғуломжон Хусанов. – Лекин ҳамма гап ишнинг кўзини билишда. Ерга эгалик қилишнинг оила пудрати усули ва сарф-харажатларнинг чек тизими росмана жорий этилиб, такомилига етказилса, ҳосилдорлик ва таннарх масаласини деҳқонларнинг ўзлари ҳал этаверадилар. Биз буни ўз хўжалигимизда яққол кўриб турибмиз.

Оила пудрати айримлар ўйлаганидек, экин майдонларини деҳқонларга бўлиб беришдангина иборат эмас. Аввало, ер ишончли қўлларга топширилиши керак. Бунда пудратчи бўламан деган оиланинг имкониятлари ҳисобга олинади ва шунга қараб ер ажратилади. Ҳар йили қишда пудратчиларнинг ўқуви ташкил этилиб, илғор усулнинг ўзига хос жиҳатлари, шартлари обдон тушунтирилади. Сафга янги қўшилганлар ва кейинги пайтларда ишни бироз бўшаштириб, ишончни яхши оқламаётганлар қишки ўқув якунида аттестациядан ўтказилади. Талабга жавоб бермайдиган пудратчилар билан шартномалар бекор қилинади.

Бундан ташқари, бошқарув раиси Зокиржон Жуманов бошлиқ махсус сифат комиссияси тузилган. У ерларни кўкламги экиш мавсумига тайёрлашдан бошлаб, кузги шудгор якунланадиган давргача тинимсиз ҳаракатда бўлиб, барча дала ишларининг, техникани таъмирлашнинг сифатини, шунингдек, чек дафтарчасидан пудратчилар қандай фойдаланаётганини кузатиб, текшириб боради. Масалан, пудратчи механизатор ва сувчиларга бажарган ишининг ҳажмидан ташқари сифатига ҳам қараб, чек йиртиб бериши керак. Молия-ҳисоб марказида эса шу асосда уларга ҳақ ёзилади. Бундай тартиб механизатор ва сувчиларни гектар кетидан қувиш эмас, аввало, ишнинг сифатига эътибор беришга ўргатмоқда. Раис бошлиқ сифат комиссиясининг эътирозига учрамаган Рустам Дўсонов, Солижон Дўланов, Суннат Солиев каби механизатор ҳамда Абдуҳаким Ботиров, Нуриддин Йўлчиев, Илҳом Хўжамқулов, Бурхон Султонов сингари тажрибали сувчилар ҳамкасбларига нисбатан кўп ҳақ олмоқдалар.

Айни кунларда хўжаликнинг устахонасида техника воситаларини кўкламги экиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизғин бораяпти. Пудратчи оилалар эса суғориш шахобчаларини тозалаш ва тартибга солиш ишларига сафарбар этилган.

***Пардабой ЭРГАШЕВ.***

## ЯПОНИЯГА ЯҚИНЛИК БЕЛГИСИ

***Республика ҳукумати Тошкентда Ўзбекистон – Япония марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бундай марказ ташкил қилиш ташаббускорлари ҳамда таъсис этувчилар сифатида чиқдилар.***

Марказнинг асосий вазифалари қилиб Япониянинг иқтисодий тараққиёти тажрибасига асосланган махсус ўқув дастурларини ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон мутахассисларига кунчиқар мамлакатда танлов асосида иқтисодий таълим беришни ташкил қилиш кабилар белгиланган.

Ўзбек-япон марказининг кундалик фаолиятини таъминловчи молиявий манбалар сифатида Япония ҳукумати томонидан ажратилган грантлар қийматига тенг бўлган ва махсус банк ҳисобида сақланадиган маблағ хизмат қилиши келишиб олинди.

Марказнинг муваффақиятли фаолият юритиши мақсадини кўзлаб, Ўзбекистон ҳукумати бу тузилмани беш йилгача йўл жамғармасига ҳақ тўлашдан, шунингдек турли ташкилотлардан олинган ва махсус ўқув ҳамда маданий дастурларни ўтказишга мўлжалланган даромадлардан олинадиган умумдавлат, маҳаллий солиқлардан озод қилади.

***«Туркистон-пресс».***

# СЕН ҒАРИБНИНГ КЎНГЛИН ШОД ЭТСАНГ...

**«Бир ғариб кўнглини шод этмоқ, Маккаи Мукаррамани тавоф этмоқдан афзалдир».**

**Бу ҳикматни дилга жо айламоқ, унга риоя этмоқ чин мусулмоннинг иши.**

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳукуматимиз дастлаб қабул қилган қарорлардан бири «Ногиронларга ижтимоий ёрдам» ҳақида эди. Айтиш мумкинки бу борадаги ишлар, тадбирлар собиқ совет тузуми даврида қарийб унутилган эди. Оқибатда ногиронлар ўзларини эл-юртга кераксиздай, ортиқчадай ҳис қилардилар. Мустақиллик шарофати ила улар фаол ижтимоий ҳаётга қайтиб, минглаб ўксик диллар, меҳнат, ижод, изланиш бахтини чинакам ҳис эта бошладилар.

Оллоҳнинг карами кенг. Бандасини қай бир жиҳатдан камситса, бошқа томондан меҳру мурувватини аямайди. Шу йилнинг баҳорида ташкил этилган Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказининг раҳбари Зуҳрахон Раҳматуллаева билан суҳбатлашиб, кўп янгиликлардан хабар топдик.

— 24 март эди. Наврўз байрами бизга икки карра қувончлар олиб келди ўшанда, — деб эслайди Нигора Маликова. — Узоқ йиллардан буён бизни ҳеч ким бунақа давраларга таклиф қилмаганди. Уй-уйимизда Оллоҳ берган дардимизга кўмилиб ўтирардик. Ўша куни биз аёллар тўкин дастурхон атрофида гурунг қилиб, қўлимиздан келадиган ишлар билан шуғулланиб, жамиятга фойда келтиришимиз, ҳунар ўрганишимиз, фарзандларимиз таълим олиб, ҳунар, компьютер ўрганишлари учун имкониятлар бўлишини эшитиб тўғриси, кўзимизга ёш олдик.

Хамир учидан патир деганларидек, ўша қувончли кунда республика Ижтимоий таъминот вазирлиги марказга компьютер совға қилди ва моддий ёрдам кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам марказнинг қад тиклаши учун беғараз ёрдам қўлини узатаётганлар оз эмас!

Ўтган йилнинг июль ойида Тошкент шаҳар ҳокимининг Яккасарой тумани Ботир Бобоев номли кўчасидаги эски 72-болалар боғча биносини ҳамда «Дамас» русумли яп-янги автомашинани марказга тақдим этганлиги ниҳоятда савобли иш бўлди.

Зуҳрахон Раҳматуллаеванинг асл мутахассислиги қурувчи-архитектор эмасми, бинони янги марказ учун мослаштириб қайта қуриш, таъмирлаш режасини ишлаб чиқди. Бунинг учун зарур қурилиш материалларидан ёрдам керак бўлганда, савобталаб саҳоватли инсонлар, ташкилотлар унинг илтимосини ерда қолдирмадилар. Хусусан, «Лок Колор Синтез», «Империал», «Совпластитал», «МУМ» қўшма корхоналари, «Тошкент мармари», «Ўзэлектроаппарат», «Шарқ шабада», «Гидроигормаш» акционерлик жамиятлари, «Тоза ғишт», «Анвар» хусусий фирмалари қурилиш материалларидан баҳоли-қудрат қарашдилар. Республика божхонаси таъмирлаш ишларига катта ёрдам кўрсатди. Шаҳар ободончилик бошқармасига қарашли 1-қурилиш-таъмир бошқармаси бинонинг кириш зиналарини ўрнатяптилар. «Усто» халқ санъати бирлашмаси дарвоза ясаб берди.

## 2001 йил — «Оналар ва болалар йили»

Шуниси қувончлики, марказга аъзо бўлганлар бинода қайта қурилиш ишларининг тугашини кутиб ўтирганлари йўқ. Низомий номидаги Педагогика институти залида тасвирий ҳамда амалий санъатга қизиқувчи болалар билан машғулотлар бошлаб юборилди. Қизалоқлар рақс тўгарагига қизиқиб қатнашаяптилар. Каштачиликка иштиёқмандлар миллий кашта, дўппи тикишдан илк сабоқлар ола бошладилар. Ногирон аёллар бешик учун зарур бўлган асбобларни тикиш, кўрпа-тўшакларни қавиш, қуроқлар ясаш соҳасидаги тажрибаларини бир-бирларига ўргатаяптилар.

Асосий мақсад — унутилаёзган айрим амалий санъат турларини тиклашга ҳисса қўшишдан иборат. Марказ кўрилган тадбирларнинг илк меваси сифатида Абдул Қосим мадрасаси саҳнида «Олтин ниҳол» кўргазмасини ўтказди. Унга ташриф буюрган тошкентликлар ва меҳмонларнинг кўзларида, сўзларида намойиш этилган нафис ироқи дўппилар, беқасам ва атлас матолардан тикилган либослар, бешик ва бешик анжомлари, кулолчилик, шарқона кўрпа-тўшаклар ижодкорларига ҳурмат, ҳавас акс этиб турди.

— Оиласида ногирон бола бўлган ёки ўзи ногирон аёлларнинг муаммоларини ҳал этишда шундай марказларнинг ташкил этилиши яхши натижалар беришини кўриб турибмиз. Ушбу марказ тажрибасини жойларда кенг оммалаштириш, ҳукумат қарорларининг бажарилишига амалий ҳисса қўшиш шарафли бурчимиздир, — дейди Республика Олий Мажлисининг «Аёл ва оила муаммолари» қўмитаси раиси Шарифа Салимова.

— «Олтин ниҳол» кўргазмасига қўйилган ҳар бир буюмда ижодкорларнинг гўзал қалбини туйдим, — дейди Республика Санъат музейи директори Насибахоним Иброҳимова. — Уларни ногирон дейишга тилинг бормайди. Кучли иродаси, нафосат яратишга иштиёқмандлик муҳаббати ҳаммамизга ўрнакдир!

Худди шу кўргазмада Сардор Ҳолиқбердиев, Азамат Аҳмедов, Суннатилла Мирзаевлар тасвирий санъат бўйича ўз ижодий ишларини кенг жамоатчиликка илк бора тақдим этдилар.

— Ўғлим Сардор бу ерга қатнай бошлаганидан буён ҳар жиҳатдан ўзгарди, — дейди Наргизахон. — Авваллари болаларга қўшилмасди, уйдан чиқмасди. Шунинг учунми, жуда асабий, инжиқ эди. Энди эса қўлидан расм чизиш келишини, бошқалар каби нимадир ярата олишини билгач, ўз ўзига ишончи ортмоқда. Соатлаб расм чизишдан чарчамайди. Биродарлари кўпайди, қизиқишлари кўлами кенгайди, давраларда ўзини эркин ҳис эта бошлади. Авваллари ўғлимизнинг тақдирини ўйлаб юрагимиз сиқиларди, энди унинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишига аминмиз, бу — биз учун катта бахт!

Бошқа ота-оналар ҳам бундай фикрларни мамнуният билан таъкидлайдилар.

Яқинда марказ таркибида «Ҳаётбахш» кичик корхонаси иш бошлади. Бу ерда булочкалар, ширинликлар ишлаб чиқарилади.

— Марказ биносини таъмирлаш давом этмоқда, — дейди Зуҳрахон. — Бу йил режаларимиз жуда катта. Бу ерда йигирмата ногирон бола таълим олади, ҳунар ўрганади ва айни пайтда соғломлаштирилади. Бунинг учун зарур имкониятлар ва ҳомийлар ҳам бор. Жаҳон «Тинчлик» корпуси инглиз тилини ўрганиш бўйича ўқув қўлланмаларини совға қилган, машғулотларни олиб бориш учун ўқитувчиларни ҳам юборишади. «Ҳаётбахш» кичик корхонамиздан олинган фойда тўлиғича болаларни машғулотлар давомида овқатлантириш учун сарфланади. Марказ иштирокчилари яратган буюмлардан кўргазмалар ташкил қиламиз, сотишни йўлга қўямиз. Аёллар билан «Бир пиёла чой устида» баҳс, суҳбатлар ўтказмоқчимиз. Уларни йилда бир бор тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиб, соғломлаштиришга ёрдам кўрсатиш ниятидамиз. Шу йўл билан муаммоларни имкон қадар камайтиришга ҳисса қўшамиз.

— 2001 йил Президентимиз томонидан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Демак, оналар ва болаларнинг янада бахтли бўлишлари учун эътибор, ғамхўрликлар ортади. Оиласида ногирон фарзанди бўлган онанинг ташвиш, изтиробларини енгиллаштиришга, боланинг ҳаётда ўрнини топиб олишига озгина кўмаклашсак, кўнглимиз ёришгандан ёришади, — дейди Зуҳрахон Раҳматуллаева. — Кўнгилларни шод этмоқ бахту саодати, савоби, муҳаббат, эътиқод, садоқат ҳар биримизга насиб этсин!

**Муҳтарама УЛУҒОВА.**

---

*Хушхабар*

# ЁШ ЎЗБЕК ШОҲМОТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

***Ҳиндистоннинг Раджастан штати Биканир шаҳрида 10, 12 ва 14 ёшгача ўғил бола ва қизларнинг шоҳмот бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.***

Чемпионатда Ўзбекистон, Қирғизистон, Монголия, Вьетнам, Таиланд, Шри-Ланка, Эрон ва Ҳиндистоннинг ёш шоҳмотчилари – жаъми 31 қиз ва 44 ўғил бола иштирок этди.

Ўзбек шоҳмотчиси Тимур Гареев 6,5 очко тўплаб 14 ёшгача бўлган ўғил болалар орасида биринчи ўринни эгаллади ва чемпионатнинг фахрий кубогини қўлга киритди. Ёш шоҳмотчимиз Юлдуз Ҳамроқулова эса 6,5 очко билан 12 ёшгача қизлар орасида 3-4 ўринларни бўлишиб олди.

Умумий натижа ҳисобида Ўзбекистон командаси шоҳмот бўйича 2001 йил Осиё чемпионатида Ҳиндистон ва Эрондан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчиси И. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Тўлаганов ёш шоҳмотчиларимизни элчихонада кутиб олдилар ва уларни ютуқлари билан қутладилар.

***«Жаҳон» АА.***

---

# САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ





*Инсоннинг энг беғубор даври бу албатта унинг болалиги. Бу палланинг ширин хотиралари умрбод эсда қолиши, шубҳасиз. Айниқса, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган онлари, биринчи марта қўлига қалам ушлаб ёзган дастлабки ҳарфини у ҳеч қачон унутмайди.*

Зангиота туманидаги 25-ўрта мактабнинг бу йилги 1-синф ўқувчилари ҳам бу кунни ҳаётлари дебочасидаги ёрқин саҳифа сифатида узоқ вақт хотирлаб юрсалар ажаб эмас. Куни кеча шу болакайлар иштирокида ўтган «Алифбе» байрамида уларнинг ҳаяжону-хурсандчиликларини пайқаш қийин эмасди. Суюкли устозлари Зуҳра опа ўргатган шеърларни тўлқинланиб, чексиз фахр ва ғурур билан ёддан ўқиётган бу ўқувчилар гўё келажакка парвоз қилаётгандек эди. Улар тадбирга таклиф қилинган ота-оналари, мураббийлари ва мактабдошларини ўз беғуборликлари билан мафтун этганча, гоҳ қўшиқ куйлаб, гоҳ алифбедан ўрганганларини сўйлаб, мурғак қалбларидан отилиб чиқаётган соф туйғуларини ўзига хос бу кўрикда ифода этишга астойдил ҳаракат қилдилар.

Бир четда уларнинг бу бийронликлари, тиришқоқликларини кузатиб турган устозлари Зуҳра опа Маҳмудова ҳамда ота-оналари, бу болакайларнинг бутун умрлари мана шундай қувноқ, шўх-шодон ўтишини, она Ватаннинг келажаги буюк, содиқ ўғил-қизлари бўлиб етишишларини ният қилганликларига ишонамиз. Чексиз билимлар чашмасидан энди баҳра ола бошлаган бу жажжи талабаларга биз ҳам бир олам яхши ниятлар тилаб қоламиз. Зеро, юртимиз эртаси уларники.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

*СУРАТЛАРДА: «Алифбе» байрамидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

*26 январь — Австралия куни*

# РАНГО-РАНГ ҚИТЪА

*1788 йилнинг январида инглиз капитани А. Филипп II кемаси билан Сидней қўлтиғига етиб келиб, бу ерда биринчи қишлоққа асос солди. Шу пайтдан эътиборан 26 январь Австралияда миллий байрам сифатида нишонланади.*

Австралия бир қитъа бўлиб, унинг атрофида кўпгина майда ороллар бор. Давлат тизими парламентли монархия бўлган Австралия Буюк Британиянинг собиқ мустамлакалар Ҳамдўстлиги таркибидаги федерал давлатдир. Мамлакат раҳбари Буюк Британия қироличаси бўлиб, унинг Австралиядаги вакили – генерал-губернатор Уильям Дин. Ваколат муддати ўтган йилнинг декабрь ойида тугаганига қарамай, ҳозирча янги губернатор тайинлангани йўқ.

Австралияда кўп миллат ва элатларнинг вакиллари, шунингдек анчагина осиёликлар яшайдилар. Зеро Австралия жойлашган минтақа Австралосиё деб номланади. Бу ернинг об-ҳавоси турлича – иликдан то тропик иқлимгача.

Австралия – саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган давлат. Мамлакат ери қазилма бойликларга, океан эса балиққа бой, ери баракали, йилига уч марта ҳосил олиш мумкин.

Австралия Ўзбекистон Республикаси билан 1991 йил 26 декабрда дипломатик алоқалар ўрнатди. Тошкентда ҳозир қатор ўзбек-австралия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Фокс Интерпрайс – Тошкент», «Каспиан Кемикал Корпорейшн» шулар жумласидандир. Ўзбекистон пойтахтида «УМК (Оверсиз) ПТИ Лтд.», «Девис Аустралиан Интернешнл ПТИ Лтд.» каби Австралия компанияларининг доимий ваколатхоналари жойлашган.

***«Жаҳон» АА.***

---

# «ЎЗБЕКИСТОН ҚЎНҒИРОҚЛАРИ»

Мамлакатимизда илк бор кўзи ожиз болалар хор жамоаси ташкил этилди. Пойтахтдаги Давлат рус академик драма театрида «Uzbell» («Ўзбекистон қўнғироқлари») деб номланган ушбу жамоанинг тақдимоти бўлиб ўтди. Концерт хор жамоаси ижросида Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ижро этиш билан бошланди. Тадбирда, шунингдек, Шермат Ёрматов, Аваз Мансуров, Дилором Омонуллаева, Надим Норхўжаев каби бастакорларнинг болалар учун ёзган қўшиқлари ижро этилди.

— Республика кўзи ожизлар мактаб-интернатида мазкур дастани ташкил этишдан мақсад мамлакатимизда кўзи ожиз болалар санъатини кенг тарғиб этиш, юртимизда ногиронларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини яна бир бор намойиш қилишдан иборат,- дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг раиси Олимжон Аҳмаджонов. - Қирқ кишилик жамоа тузиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда жанубий кореялик ишбилармон, Ўзбекистонга компьютер жиҳозлари етказиб берувчи «ГАБС» компанияси раҳбари Квак Санг Хуннинг ҳиссаси катта бўлди.

***Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.***

---

# Катта йўлдаги қаллоблик

***Бир неча ойдирки, Катта Ўзбекистон йўлининг Чиноз Давлат автомобил назорати (ДАН) постида пойтахт томон кетаётган автомашиналар гўё жиддий санитария текширувидан ўтказилмоқда. Қизиғи шундаки, бундай текширувни ўтказаётганлар ўзини таништирмайдилар. Бу ва шунга ўхшаган бошқа ходисалар, давлат номери Тошкентга тегишли бўлмаса, автомашиналарни «санитария кўригидан ўтказиш» - бориб турган фирибгарлик бўлиб, авом ҳайдовчиларга мўлжаллангандек таассурот қолдиради.***



Биз тушган РАФ автомашинаси Чиноз ДАН постига етиб келганида, соат миллари 11га яқинлашиб қолган эди. Автоинспектор қўлидаги таёқчаси билан ҳайдовчига ишора қилиб, четга ўтиб тўхташни буюрди. Ҳайдовчи ҳужжатларини олиб машинадан тушди-да, инспектор томонга йўналган эди, лекин у таёқчаси билан сал нарида жилмайиб турган оқ халатли аёлга ишора қилди. Аёл эса ўз навбатида ҳайдовчига ва бизга синовчан бир қараб олди-да, машина санитария кўригидан ўтиши лозим, деди. Бунинг учун ҳайдовчи 200 сўм тўлаши шарт экан. Жанжаллашиш бефойда эди. Чунки санитар аёлни автоинспекторнинг ўзи қўллаб-қувватлаётир. Ҳайдовчи чўнтагидан нақд 200 сўм тўлади. Аёл пулни олганлиги ҳақида квитанция ёзиб берди. Лекин машинани санитария кўригидан ўтказмади. Керакли дорилар тугаб қолганлигини баҳона қилди. Ҳайдовчи рулга ўтирди ва биз ўз йўлимизга равона бўлдик.

РАФда гулистонлик ўндан ортиқ йўловчи бор эди. Табиийки, улар бир-бирини танимасди, лекин бўлиб ўтган ҳодиса эса уларни бир-бирларига яқинлаштирди. Чинознинг ДАН постида қандайдир ноқонуний ҳодиса содир бўлгани уларни бир-бирига ҳамфикр қилган эди. Бу ҳолат ҳайдовчига берилган квитанциянинг мазмуни билан танишганимиздан сўнг янада ойдинлашди.

Босмахона усулида майда лотин ҳарфида, ўзбек тилида битилган ушбу ҳужжатда «Жамс-Хумоюн» масъулияти чекланган жамияти Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензияси (номери кўрсатилмаган) асосида текширув ўтказаётгани айтилган эди. Маълумки, квитанция бир марталик санитария текшируви учун берилади. Бунинг устига, раҳбар ёки бирорта масъул шахснинг имзоси йўқ, квитанция рақами ҳам кўрсатилмаган. Фақат унинг юқори қисмига муҳр қўйилган. Рус тилида битилган муҳрдаги ёзувни айнан келтирамиз: «Оплочено 200 сум». Кўринадики, муҳр русча «гапирса» ҳам, имлосига қараганда, қалбаки эканлиги сезилиб турибди.

Эҳтимол, «Жамс-Хумоюн» жамияти, ҳақиқатда ҳам мавжуддир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензияси билан иш юритиб, зарур санитария-карантин тадбирларини ўтказаётгандир. Бундай ҳолатда санитария-текширув ходимлари юзлаб фуқаролар билан мулоқотга киришар экан, ўзларининг обрўларини ўйлаб, вазифаларини чин юракдан бажаришса бўларди. Воқеанинг ачинарли томони шундаки, ҳодиса бевосита Чиноз ДАН ходимлари кўз ўнгида содир этилмоқда.

Албатта, пойтахтимиз томон йўл олаётган машиналарни санитария кўригидан ўтказиш ҳар хил касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бундай текширув давлат назорати остида бўлиши ва тадбир бепул ўтказилиши лозим эмасми?

***Тўлқин АХМАДАЛИЕВ, ЎзА мухбири.***

---

*Тақдимот*

# ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ БИНО

***Йигирма беш йилдан буён Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият юритиб келаётган 3-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми жамоаси кейинги пайтда нафақат шаҳардаги, балки вилоят ва республикадаги қисмлар орасида ҳам ижобий томонлари билан кўзга кўриниб қолган.***

Улар корхонани ёнғиндан сақлаш ишларидан ташқари шаҳар ва қўшни туманларда содир бўлиб турувчи ёнғин ҳамда турли офату талофатларни бартараф қилиш, унинг олдини олиш каби ишларда ҳам фаол қатнашмоқда. Шунингдек, жамоа намунали қисм унвонини ҳамда бир қатор кўрик-танлов ғолиблигини қўлдан бермай келаётир. Бунда қисм профилактика гуруҳи нозирларининг ҳам ҳиссалари катта. Уларнинг ёнғинга қарши тарғибот-ташвиқот ва назорат ишларини мунтазам олиб боришлари ва ўз ишларига қатъий масъулият ҳисси билан ёндошишлари туфайли қўриқланаётган корхонада кўп йиллардан буён ёнғин содир бўлмайди. Бу қувонарли ҳолни яна кўп йиллар давом эттириш учун қисм жамоаси бор имкониятларини ишга солиб, хизмат қилмоқда.

Эришилган барча ютуқ ва муваффақиятлардан миннатдор бўлган «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми учун замонавий услубдаги янги бинони совға қилишди. Яқинда шу бинони қисм жамоасига топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимга корхона раҳбарияти, қисм жамоаси билан бирга таклиф этилган меҳмонлар Тошкент вилояти ички ишлар ва ёнғиндан сақлаш бошқармалари раҳбарияти ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Митингни «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Юсупов кириш сўзи билан очди. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Убайдулла Абдуллаев ҳамда ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Мирислом Иноятовлар қисм жамоасини қизғин қутлаб, бино қурилишида фаол қатнашган ходимлар ва қурувчиларга қимматли совғалар ҳамда фахрий ёрлиқларни топширишди.

***Зулфиддин САПАРОВ, ички хизмат катта лейтенанти.***

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




***7-модда.*** **Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.**

**Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.**

**Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноон жавобгарликка тортишга асос бўлади.**

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш Республика Президентини, қонунчилик органи – Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларини сайлаш билан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириб, Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти тизимини тузади. Бу бевосита Олий Мажлис фаолияти билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳар бир давлат органининг таркибига номзод танлар экан, бевосита Олий Мажлис депутатларининг тасдиғига қўяди. Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, уларни лавозимдан озод қилади. Кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикасида фақат Президент, Олий Мажлис ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига сайланган депутатлар давлат ҳокимиятини ташкил этишда халқ номидан ўз ваколатлари давомида иш олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўз хоҳиш-иродаларини, ишончларининг намойиши сифатида сайловларда уларга овоз берадилар.

Энди Конституциямизнинг шу 7-моддасидаги 2-бандини таҳлил қиламиз. Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг 159-моддасида ушбу Конституция нормасида белгиланган қоидани бузган шахсларга нисбатан қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган: «Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзлаштиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёҳуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли давлат органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш – мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс – башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса – жазодан озод қилинади.

Шунингдек суд органлари билан параллел равишда, ўзларининг ҳақиқатпарастлар гуруҳларини тузиш ҳам шундай баҳоланади. 1991-1992 йиллардаги Намангандаги, 1999 йил февралда Тошкент, 2000 йил Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларидаги бўлиб ўтган воқеалар фикримизга далилдир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини фақат Конституцияда, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идоралargina амалга оширади. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Давлат идораларининг Конституция ва қонунга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

***Абдуазиз ЧЎЛИЕВ,***
***Тошкент Давлат Юридик институтининг «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедрасининг катта ўқитувчиси.***

*Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги олдидан*

# «НАСОИМ»НИНГ НАСИМЛАРИ

**Буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг кўплаб асарлари борки, уларни ўрганган сари янги-янги қирралари кашф этилаверади. «Насоим ул муҳаббат» рисоласи ана шундай мўътабар китоблардан биридир. Академик, таниқли навоийшунос Азиз Қаюмов билан суҳбатлашар эканмиз, Навоий даҳосига яна бир карра қойил қолиб, ўтирардик.**



**— Муҳтарам Азиз Пўлатович, одатда мумтоз шоирларимиз ўзларининг асарларида таржимаи ҳолларидан авлодларни огоҳ этадилар. Ҳазрат Навоийнинг шундай асарлари орасида «Насоим ул муҳаббат» ҳам бор. Сиз ушбу бебаҳо рисолани тўлиқ ўрганиб чиққансиз, албатта...**

— Навоий ҳазратларининг деярли ҳар бир асарида ул зотнинг маънавий дунёси акс этиб туради. «Насоим ул муҳаббат» ҳам уларнинг бири сифатида азизу мўътабардир. Навоийнинг оила аъзолари ва яқинлари тўғрисида «Насоим ул муҳаббат» китобида бир мунча қизиқарли маълумотлар учрайди. Хусусан, Навоийнинг отаси тўғрисида келтирилган бир лавҳа диққатга сазовордир. Навоий ўз отаси тўғрисида бундай деб ёзади: «Бу фақирнинг отасининг фуқаро аҳлига кўп иродат ва ихлоси бор эди». Отасининг бу ҳислатини Навоий Бобо Кўкий тўғрисидаги мақолада зикр қилади.

**— Шу мақоланинг мазмунидан бизни огоҳ этсангиз...**

— Бажонудил. Подшоҳ фармонига кўра, Навоийнинг отаси Астробод вилоятига бормоқда эди. Йўлда унга бир мажнунсифат мажзуб учрайди. Иродат аҳли қоидасига биноан Навоийнинг отаси дарвешга бир танга узатади. Дарвеш садақани олмайди, устингдаги курта жуббани бергин, дейди. Ҳаво совуқ эди. Навоийнинг отаси отни суриб ўз йўлида давом этади. Тўхтов жойига келганда яна ҳалиги мажзуб йигит келиб, Навоийнинг отасидан ўша курта жуббани сўрайди. Орадан бир неча кун ўтгач, Ғиёсиддин кичкина Астрободга етиб келади ва бу ерда бир яланғоч дарвеш унга учрайди. Навоийнинг отаси устидаги курта жуббани ечиб, ўша дарвешга кийгизади. Бир лаҳза ўтгач, йўлда учраган мажзуб йигит келиб унга: «курта жуббани олдим», дейди. Демак, яланғоч бўлиб келиб жуббани олган дарвеш ўша йўлда учраган мажзуб йигит экан.

Навоийнинг отаси Астрободда анча фурсат бўлган. Бу ерда ҳиротлик мажзуб дарвеш Бобо Кўкийнинг овозаси ёйилган эди. Навоийнинг отаси Астрободдан Ҳиротга қайтгач билганки, унга йўлда дуч келган ва ниҳоят, курта жуббани олган дарвеш Бобо Кўкий экан.

**— «Насоим ул муҳаббат»да Мавлоно Табодғоний ҳақида ҳам талайгина битиклар мавжуд. Ул зот хусусида батафсилроқ сўзлашнинг имкони борми?**

— Мавлоно Муҳаммад Табодгоний тўғрисидаги маълумотлар Навоийнинг дўстлари ва яқинлари даврасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад Табодгоний «кибар асҳоби»дан эди. У Шайх Зайниддин Ховафийнинг «кибар хулофасидан» бўлган. Шайх Ховафий Табодгон қишлоғига борганида, кичик ёшли Муҳаммад унинг суҳбатига ғоят қизиққан. Шайх бу болага эътибор бериб, унга таҳсил олишни маслаҳат берган. Шундан кейин Муҳаммад Табодгоний Ҳиротга келган ва Ферузобод бозоридаги Мадрасаи Сабзда зоҳир илмини таҳсил қила бошлаган. Тезда у Шайх Ховафийнинг энг ишончли ёрдамчиларидан бири бўлиб қолган. Бу тўғрида Навоий ёзади: «Шайх дер эрмишларки, Мавлоно Шамсиддин сариғ олтун эрди. Биз ани секказада қилдук. Ва ҳар кимга мактубе ё рукъа битсалар эрмиш, аларга буюрурлар эрмиш ва истиҳсон қилиб деб эрмишларки бизнинг мо физ замиримизни битирсен».

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний «Асмоуллоҳ» шарҳи, «Манозилус соирайн», «Қасидаи Бурда» муҳаммаси, «Тазкуратулҳабиб», «Васоё», «Арбаин» таржималарининг муаллифларидир. Шайх Ховафий вафотидан сўнг, муршидлик шу кишига ўтган. Бу ҳақда «Ва хоссу омнинг ружуъи алар хизматида воқеъ эди», деб ёзади Навоий.

Навоий ўзининг Муҳаммад Табодгоний билан тез-тез учрашиб турганини билдириб, «фақир алар хизматида кўп иродатим бор эди» деб ёзади. Яна «Бу фақирга илтифотлари кўп эрди», деб улар ўртасидаги муносабатларни таъкидлаб ўтади. Айтилганлардан маълум бўладики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний Ҳиротдаги маънавий ҳаётда юксак мавқе тутган шахслардан, олижаноб табиатли кишилардан эди. У Навоийга яқин доирага мансуб бўлган ва шоир билан Мавлоно ўрталарида дўстона муносабатлар мавжуд бўлган.

**— «Насоим ул муҳаббат»да Ҳожа Аҳрор Валийдек буюк зот ҳам тилга олинади...**

— Бир ҳолатга эътибор берайлик. Жомий «Нафаҳот ул унс» китобида ўз замондошларидан фақат Ҳожа Убайдуллоҳни киритган. Навоий бу одамга Жомий томонидан берилган юқори баҳога ўз муносабатини билдириб, бундай ёзади. «Чун сўз бағоят дақиқ бикий эрди ва бу бебизоатнинг фаҳму идроки андин қосир». Улуғ шоиримиз «Насоим»да Ҳожа Аҳрор тўғрисида фақат ўзи билган ва англаган гапларнигина келтирган. У ёзади: «Аларнинг баъзи ҳолатики, бу фақирни мавҳум ва яқин эрди анга шуру қилди».

Навоий ўзининг Ҳожа Убайдуллоҳ билан ёзишмалар олиб борганини ва унинг рукуъларини сақлаганини айтади: «Жадвал ва такаллуфат билан асраб мен».

**— Китобда Мавлоно Қосим, Ҳожа Абдулазиз Жомий, Муҳаммад Хуросоний, Дарвеш Саид Ҳасан, Ҳожа Алхад Муставфий ва бошқа зотлар ҳақида ҳам дилдор сатрлар битилган...**

— Худди шундай кишилардан яна бири Бобо Пирийдир. У жуда мажзуб одам бўлган. Бобо Пирийнинг уйи Навоийнинг йўли устида бўлган. Лекин, Навоий бу одамнинг қаршисидан ўтмас эди. Бир куни Навоийнинг ҳамроҳи ундан: «нега бу йўлдан юрмайсиз?» деб сўраб қолди. Навоий ёзади: «Дедимки бу жиҳатидинки, фуҳш сўкар, манга хуш келмаски анинг фуҳшин эшитгаймен». Ул ҳамроҳ дедики: «бобони дерларки каромати бор. Кел, илайидан ўт, агар каромати бўлса сени сўкмагай». Навоий бу маслаҳатга амал қилиб, Бобо Пирийнинг қаршисидан ўтади. Бобо Пирий уни сўкмайди, аксинча, дуо қилади.

Алишер Навоийнинг мамнуният билан қайд этган кишиларидан яна бири Ҳожа Муайядий Меҳна эди. Бу киши зоҳир илмини тафсир қилган фозиллардан эди. «Бу фақирни фарзандлик лафзи билан сарафроз қилиб, хайр дуоси кўп қилиб этиб борамда фотиҳалар ўқиб эрдилар» деб, Навоий бу кишини миннатдорчилик билан эслаб ўтади.

Навоий «Насоим»да катта бир мақолани Жомийга бағишлаган. Унда Жомийнинг фазилатлари тавсиф этилади. Асарларининг рўйхати келтирилади. Навоий Жомий тўғрисида ҳам яна кўп китоблар ёзилганини айтиб, ўзининг ҳам Жомий ҳақида ёзган китоби тўғрисида хабар беради.

Шундай қилиб, биз «Насоим ул муҳаббат» китобида Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг атрофидаги кишилар, устоз Жомий билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисидаги қўшимча маълумотлар топамиз. Бу маълумотларнинг Навоий ҳаёти ва ижодини тўлароқ ўрганилишидаги аҳамияти шубҳасиз каттадир.

**— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур. Барчамизни Навоий ҳазратларининг руҳи поклари қўлласин.**

***Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.***

# УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН

## Ибн Сино халқаро жамғармасида Геронтология марказининг тақдимот маросими ўтказилди

– Республикамиз геронтология фани хали ёш бўлиб, бу соҳа билан шуғулланаётган геронтологларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этмайди, – деди Ибн Сино жамғармаси раиси Шуҳрат Эргашев «Туркистон-пресс» мухбирига. – Лекин унинг пойдеворини буюк аждодимиз Ибн Сино яратиб кетган. Алломанинг бу борадаги рисолалари ва қўлёзмалари бизгача етиб келган. Шунинг учун ҳам пойтахтда геронтология марказини очишдек хайрли ишга қўл урдик.

Жамғарма раисининг эътироф этишича, геронтология кексалик ҳақидаги фандир. У ёшга нисбатан инсондаги физиологик ўзгаришларнинг касаллик билан мувозанатини аниқлашга ёрдам беради. «Ибн Сино геронтологик маркази»нинг асосий мақсади ҳам кексалар, нуронийларимизнинг қарилигини, шу даврда пайдо бўладиган касалликларининг олдини олиш ва замонавий геронтология фани асосида даволашдан иборат. Марказда бу борадаги ишлар уч босқичда амалга оширилади. Ибн Сино халқаро жамғармаси қошида очилган маслахат-ташхис босқичи, пойтахтдаги машҳур клиника ва институтлардаги даволаш босқичи ва санаториялар шулар жумласидандир.

Шуҳрат Эргашевнинг маълум қилишича, республикамизда ҳар ўн кишига бир нафар 60 ёшдан ошган фуқаро тўғри келади. Ўртача умр 70 ёшни ташкил этмоқда. Бу эса юртимизда геронтология фанини ривожлантиришга етарли асос бўла олади.

Ҳозирча марказ йирик корхона, ташкилот ва муассасалар билан тузилган шартномалар асосида жамоаларда кўп йиллар хизмат қилган фахрийларга хизмат кўрсатмоқда.

***«Туркистон-пресс».***

# БИЛДИРИШ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОВАР БОЗОРЛАРИДА МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИБ, СОТИШДА УСТУНЛИК МАВҚЕИНИ ЭГАЛЛАГАН ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИ ЮЗАСИДАН 2001 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА РЎЙХАТИ

| № | Монополчи корхоналарнинг номлари | Монопол маҳсулот (хизматлар)ларнинг турлари | Ўлчов бирлиги | 2001 йил 10 январь ҳолатига охирги декларация қилинган нархлари (ККС билан) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Қибрай тумани «Янги Тошкент консерва» АЖ | Мева консерваларининг 22 тури | 650 гр. 750 гр., 1000 гр. | 270-85 сўмдан 1056-00 сўмгача |
| 2. | «Ғазалкент» акциядорлик фирмаси | Сабзавот консерваларининг 22 тури | 650 гр. 100 гр., 1000 гр. | 105-57 сўмдан 328-77 сўмгача |
| 3. | Янгийўл ш. «Металлопластмасс» АЖ | Консерва банка ёпиш учун металл қопқоқлар | дона | 12-00 сўм |
| 4. | Ғазалкент ш. «Конмит» қўшма корхонаси | Қандолат маҳсулотлари (крекер) | кг. | 65 фоиз чегараланган самарадорлик даражаси |
| 5. | «Оҳангарон-дон» АЖ | Омухта емлар | тонна | 23518-80 сўмдан 39170-40 сўмгача |
| 6. | «Тошвилоятйўловчитранс» ДАБ | 1. Маршрут таксиларда йўловчи ташиш<br>2. Шаҳар атрофида қатнайдиган автобусларда йўловчи ташиш | 1 марта юриш учун<br>1 км. қаттиқ<br>1 км. юмшоқ | 60-00 сўм<br>5-60 сўм<br>5-90 сўм |
| 7. | Бўстонлиқ тумани «Энерго-қурилишиндустрия» ишлаб чиқариш корхонаси | Керамзит | $м^3$ | 6190-00 сўм |
| 8. | Бўстонлиқ тумани ихтисослаштирилган наслли ипакчилик хўжалиги | Ипак қурти | кг. | 47056-00 сўм |
| 9. | «Паркентсувқурилиш» трестининг ишлаб чиқариш-техника бошқармаси | Таъминлаш-воситачилик хизматлари | савдо устамаси | 24 фоиз |
| 10. | «Олмалиқмебел» АЖ | Корпусли мебел жамламаси | мажмуа | ишлаб чиқарилмаяпти |
| 11. | «Ангренкалинкоғозсавдо» АЖ | Картон тара (гофроқути) | 1000 $м^2$ | 240000-00 сўм |
| 12. | Паркент тумани «Кумушкон» АЖ | Туристик хизматлар | 1 киши-кун | 2106-00 сўм |
| 13. | Қибрай тумани «Шарқ» АЖ | Наслли тухум | дона | 35-00 сўм (ишлаб чиқарилмаяпти) |
| 14. | «Тошвилтибтехника» ЖК | Тиббиёт аппаратларига техник хизмат кўрсатиш | бир марта тех-хизмат кўрсатиш | 26-05-85-1990 прейскурантга 43 коэф. |
| 15. | Тошкент вилоят СЭС | 1. Лаборатория асбоб-ускуналари, 2. Кимёвий ва 3. Бактериологик санитария-кузатишларини ўтказиш | 1та кузатишни ўтказиш учун | 3541-22 сўм<br>4590-41 сўм<br>7084-69 сўм |
| 16. | Тошкент вилояти «Дори-Дармон» ДАБ | Дори-дармонлар сифатини таҳлил қилиш (назорат) | бир марта таҳлил ўтказиш | 10-31 коэф. |
| 17. | Юқоричирчиқ тумани «Йўл қурилиш материаллари ва ускуналари заводи» | 1. Қумли асфалтбетон аралашмаси<br>2. Майдақумли асфалтбетон аралашмаси<br>3. Йирик қумли асфалтбетон аралашмаси (ГОСТ 9128-84) | тонна<br>тонна<br>тонна | 4838-17 сўм<br>4424-44 сўм<br>4034-52 сўм |
| 18. | «Тошвилавтойўл» ДАБ | 1. Йўллар қуриш, таъмирлаш<br>2. Асфалтбетон аралашмаси | қимматлашиш индекси<br>тонна | К-85,9; К-93,0<br>7180-44 сўм |
| 19. | «Ғазалкент-ойна» АЖ | қурилиш ойнаси | $м^2$ | 352-22 сўмдан 741-48 гача |
| 20. | «Ғазалкент ТИБК» АЖ | Гранит плиталар | $м^2$ | 50 фоиз чегараланган самарадорлик даражаси |
| 21. | «Бекобод-цемент» АЖ | 1. Цемент<br>2. 3-навли оҳак | тонна<br>тонна | 9686 сўмдан 12377 сўмгача<br>3360-00 сўм |
| 22. | Оҳангарон-шифер» АЖ | Шифер<br>Асбестцемент қувурлар | дона<br>кут | 1110-00 сўм<br>1324758 сўм |
| 23. | Ангрен қурилиш материаллари комбинати АЖ | Оқ цемент | тонна | 25600-46 сўм |
| 24. | «Оҳангарон линпласт» ОТХЖ | Линолиум ВКП<br>МП | $м^2$ | 3998-76 сўм<br>4431-61 сўм |
| 25. | «Оҳангарон цемент» АЖ | Цемент ПЦ-400 Д-20<br>Цемент ПЦ-400 Д-0<br>Мин. пахта | тонна<br>тонна<br>$м^3$ | 10092 сўм<br>11592 сўм<br>4608 сўм |
| 26. | Қибрай тумани «Стройминсервис» қўшма корхонаси | Мармар плиталар | 1 $м^2$ | 4500 сўмдан 7000 сўмгача |
| 27. | «Тошвилоятагромашсервис» акциядорлик бирлашмаси | 1. Комбайнларда буғдой йиғиш<br>2. Тракторларда ер ҳайдаш<br>3. Савдо фаолияти | га.<br>га.<br>савдо устамаси | 15381 сўмдан 19050 сўмгача<br>8415 сўмдан 11187 сўмгача<br>15 фоиздан 40 фоизгача |
| 28. | «Таъминотчи-Пахта» ХЖ | Қиш/хўж. машиналари ва эҳтиёт қисмларни сотиш | савдо устамаси | 15 фоиз |
| 29. | «Тошвилагрокимётаъминот» Ҳиссадорлик жамияти | Минерал ўғит билан таъминлаш | савдо устамаси | 10,3 фоиз |
| 30. | «Шуъла» савдо уйи акциядорлик жамияти | ЎЗКТЖМ маҳсулотларини сотиш | савдо устамаси | 10 фоиз |
| 31. | «Тошвилгаз» бошқармаси | Газ ҳисоблагичларни ўрнатиш | дона | 2403-00 сўм |
| 32. | «Ангренгазмаш» АЖ | 1. Иситувчи мослама<br>2. Газ ёқилғиси билан иситувчи мослама | дона<br>дона | 45 фоиз чегараланган самарадорлик даражаси |
| 33. | Тошвил. БТИ | Биноларни техник рўйхатдан ўтказиш | қимматлашиш коэф. | к-1,56 прейскурант 16-04 |
| 34. | «Олтин кўмир» МЧЖ | Кўмир сотиш бўйича хизмат | савдо устамаси | 8 фоиз |
| 35. | «Ангрен кўмиртаъминот» МЧЖ | Кўмир сотиш | тонна | Молия Вазирлигининг 19-03-Руз-19-2000 й. реестри |
| 36. | Тошкент вилояти давлат кадастрлари ягона тизими бошқармаси | 1. Бино ва иншоотларни инвентаризация қилиш<br>2. Бино ва иншоотларни баҳолаш<br>3. Топографик-геодезия ишлари | қимматлашиш. коэф. | К.-38,8<br>К.-38,8<br>К.-38,8 |
| 37. | «Янгийўл ёғ-мой» АЖ | Суюқ совун,<br>Пахта ёғини қадоқлаш<br>Шротни қадоқлаш | тонна<br>1 л, 5 л.<br>1 қоп | 73898-93 сўм<br>157-10 сўм ва 558-67 сўм<br>235-79 сўм |
| 38. | «Трансформатор» ОТХЖ | 10 қувурли ва 12 қувурли электр иситиш радиаторлари | дона | 39501-88 сўм ва 49049-26 сўм |
| 39. | «Тошкент почтаси» ОТХЖ | 1. Рўзнома обунаси<br>2. Журнал обунаси<br>3. Рўзнома обунаси етказиб бериши билан<br>4. Журнал обунаси етказиб бериши билан | 1 нусха<br>1 нусха<br>1 нусха<br>1 нусха | 16-63 сўм<br>20-51 сўм<br>30-96 сўм<br>34-85 сўм |
| 40. | «Эйвалек махсус темир бетон» ОТХЖ | 1. Қум<br>2. Темир бетон шпаллари | $м^3$<br>$м^3$ | 1428-34 сўм<br>6825-60 сўм ва 6698-40 сўм |
| 41. | Тош вил. «Пилла» АЖ | 1. Тирик пиллани тайёрлаш<br>2. Қуруқ пиллани сотиш | кг<br>кг | ўртача нархи 380-00 сўм<br>1702-47 сўм |
| 42 | ЦСМС Чирчиқ шаҳри стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий маркази | 1. Лаборатория аттестацияси<br>2. Маҳсулотни сертификатлаш<br>3. Резервуарларни калибрлаш<br>4. Таҳлил назорати ўтказиш | киши-соат<br>киши-соат<br>киши-соат<br>киши-соат | 2346-40 сўм<br>3481-20 сўм<br>2192-40 сўм<br>2253-60 сўм |
| 43. | «Тулпор» жам. корхонаси Зангиота тумани | Автомобилларда халқаро юк ташиш хизматлари | 1 км | 201-78 сўмдан 236-77 сўмгача |
| 44. | Тошкент вилояти «Зооветтаъминоти» бошқармаси | Веттоварлар билан таъминлаш | савдо устамаси | 8 фоиз |
| 45. | Тошкент вилояти қурилиш ва архитектура бош бошқармаси | Архитектура-режалаштириш ишлари | қимматлашиш коэф. | К-47 |
| 46. | Тошкент вилояти экспертиза бошқармаси | Қурилиш объектлари учун лойиҳа ва смета экспертизасини ўтказиш | қимматлашиш коэф. | К-40,57 |
| 47. | Тошкент вилояти ер ресурслари бошқармаси | Ер майдони ажратиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш | қимматлашиш коэф. | К-47 |
| 48. | Ўртачирчиқ тумани «Кабул-Ўзбек Ко ЛТД» қўшма корхонаси | Пахта толали мато (ип газлама) | $м^2$ | 200-00 сўмдан 500-00 сўмгача |
| 49. | Қуйичирчиқ тумани «Балиқчи» АЖ | Тирик балиқ | кг. | 60 фоиз самарадорлик даражаси |
| 50 | Қибрай тумани «Роҳат» АЖ | Пиво | бочкали (1 л)<br>0,5 бут. | 80-00 сўм<br>62-52 сўмдан 72-41 сўмгача |
| 51. | «Олмалиқғишт» АЖ | Самарали ғишт (ғовак) | 1000 дона | 43000-00 сўм |
| 52. | «Бўстонлиқсут» АЖ | Қаймоқ, простакваша, творог сметана, сливки, ряженка, | декларация қилиш арафасида | |
| 53. | Ўртачирчиқ тумани «Тошкент шаробсавдо» улгуржи базаси | Шароб-ароқ маҳсулотлари улгуржи савдоси | савдо устамаси | Монопол маҳсулот (хизмат) нархлари ҳисоб-китоблари декларация қилиш арафасида |
| 54. | Тошкент вилояти статистика бошқармаси | 1. Ўртача иш ҳақининг базис меъёри тўғрисида маълумотнома бериш<br>2. ОКПО карточкаларини юритиш | | Мнопол маҳсулот (хизмат) нархлари ҳисоб-китоблари декларация қилиш арафасида |

Доно сўз дунё кезар

## МУҲТОЖ АЁЛ ВА ҚИММАТЛИК ТУЖЖОР

Куфа шаҳрида тужжорлик қилаётган Имом Аъзамнинг дўконига каттакон тугун кўтарган аёл кириб келди. Тугунни ечиб, ичидан ипак кўйлак олиб, ҳазратга узатди ва сотмоқчи эканини айтди. Имом Аъзам ҳали нарх қўймасдан аёл: «Олсангиз бу кўйлакни юз динорга сотаман», деди. Имом Аъзам:

– Бу кўйлак юз динордан қимматроқ туради-ку, нечун кам сўраяпсиз? – деб сўради.

– Менга юз динор етади, – деди аёл уҳ тортиб.

– Юз динордан қиммат туради, – деди Имом Аъзам ҳазратлари яна.

– Бўлмаса, – деди аёл, – икки юз динор беринг.

Имом Аъзам ҳазратлари:.

– Бу кўйлагингизнинг қиймати икки юз динордан ҳам ортиқ. Кўпроқ сўрасангиз бўларди, – деди.

– Мен бечоранинг устимдан куляпсизми? Мен юз динорга сотишга розиман. Сиз шунча пул берсангиз бўлади, – деди аёл.

– Агар мен сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб, – деди Имом Аъзам ҳазратлари, – бу кўйлакни арзонга олсам, эртага Оллоҳ мендан ажрини сўрайди. Суюкли Пайғамбаримиз ҳам: «Мусулмонни алдаган биздан эмасдир», яъни мусулмонлар билан алоқаси узилгандир, деганлар.

– Бўлмаса, афандим, тўрт юз динор беринг-да, кўйлакни олақолинг. Мени кўп овора қилманг, – йиғламсиради аёл.

... Аёл охири кўйлагининг нархини бошқа савдогарлардан ҳам сўраб кўрди. Улар беш юз динор туради, дейишди. Аёл қайтиб келиб Имом Аъзамга бу гапни етказди. Ҳазрат ул хотиндан кўйлакни беш юз динорга сотиб олди. Аёл пулларни олар экан, кўз ёшларини тўхтата олмас эди.

– Афандим, сиз асло ҳайрон бўлманг, – деди у, – кўйлак менинг келинчаклик либосимдир. Уйда бундан бошқа сотишга арзигулик нарсам йўқ. Ҳамма нарсани сотиб битирдим, охири шуни ҳам сотишга мажбур бўлдим. Етим болаларим икки кундан бери оч. Сиз менга берган ақчангиз катта пул, бизнинг анчагина мушкулимизни осон қилади. Рўзғоримизни тебратиб туради. Оллоҳ сиздан рози бўлсин.

Аёлнинг аҳволини тушунган Имом Аъзам ҳазратлари беш юз динорга қўшиб кўйлакни ҳам аёлга ҳадя қилиб, қайтариб берди.

**Арофат РАЗЗОҚОВА тайёрлади.**



Оҳангарон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Мурувват уйи ходимлари орасида шифокор Клара Югайнинг ўзига хос хизматлари бор. У мурувват уйида истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатади. Бу ердагилар уни «Ўзимизнинг Кларахон», деб алқашади.

*СУРАТДА: Клара Югай беморни кўрикдан ўтказмоқда.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.**

Буни ҳаёт дейдилар

## НИҲОЛ ТЎҒРИ УНМАСА ҚИЙИН...

***Ашурмат отани бекатда учратиб қолдим. Болалигим кечган ҳовлида девор-дармиён қўшни эди у. Йиллар силсиласи униям аямабди — пешонасини қат-қат ажин, соч-соқолини қиров босган. У мени дабдурустдан танимади.***

— Ассалому алайкум, ота. Мени танияпсизми? — дедим ёнига оҳиста ўтирар эканман.

Алик олган ота кўзларимга синчков боқди:

— Э, Маликбойнинг қизимисан, болам? Тошкентда ўқиб келгансан-а? Тинч ўтирбсанми, болачаҳанг омонми, отаонанг...

Отанинг кўзлари чақнаб, қуюқ сўраша кетди. У гапиргани сайин дарвозаси олдидаги оқ ўрикни рўмолимизга тугиб берадиган, қишда туршаги билан сийлайдиган Моҳинисо бувини эслаб кетдим. Қандай хокисор инсонлар эди-я!

Моҳинисо бувининг қазо қилганига беш йилдан ошиб қолди. Илгари милтиқдек юрадиган Ашурмат отаям букчайиб қолибди.

— Ҳа-а, раҳматли дадангни толеингни кўрмадида, болам. Онангни асранглар онангни. Йўқотиш осон, топиш қийин. Худо раҳмат қилгур Моҳи бувинг жаннати аёл эдида, ҳамиша «сендан олдин кетай, кампир», дердиму ниятимга етмадим. Ўғил-қизинг ўз йўлига экан, болам-ей...

Ота анча вақтгача жимиб қолди. Кейин рўпарадаги толга тикилганча оғир сўз бошлади:

— Одамнинг кўнгли нозик нарса, болам. Олти нафар паҳлавоним бор, деб кўп керилган эканману, уларга оқибат, диёнатдан тарбия бермаган эканман. Ҳаммаси ўқиб олим бўлишди-ю, одам бўлмадилар, ҳисоб...

Мен серғайрат отани мискин алфозда кўрмаган эдим. Беихтиёр тикилиб қолдим.

— Шу... Шоберди аканг бинойидек бола эди, келинимнинг-ку, тутуруғи йўқ. Онаси ҳаётлигидаёқ қадами тортилган. Энди шаҳарга ишга ўтиб, амалдор бўлди-ю, кўзини мой босди. Лоақал ҳайитда бирров йўқламади-я... — Ота яна оғир тин олди. Назаримда киртайган кўзларида ёш ғилтиллади. — Шу аканг «юридический»ни битиргунича озмунча қийналдикми? Оғилдаги охирги молгача сотиб бердим. Майли, насибаси улуғ бўлсин, шулар кўкарса, менинг бошим осмонда бўлади. Аммо, бир оғиз ширин сўз, бир дамлам чой кимни ўлдирибди, дейсан. Олти келинимнинг кенжаси куни кеча кўзи ёриди. Мен билан турадиган ўғлимнинг соғлиғи ёмон. Топгани дорига кетади. Уйлар совуқ, печкага ўт қалаш, молу хол — ҳаммаси ўзимга қолди. Тоғдаги қизим бояқиш орасира келиб қолади. Униям ташвиши бор...

Ашурмат отанинг кафтларига боқдим, қорайган қўллари бемадор.

— Шунча болам бор, деб хато қилибман. Ҳаммасининг камида уч-тўрттадан фарзанди бор. Келиб хизматимга ярашса, қувонаман-ку, болам.

Ҳа, ҳаётнинг чигал жумбоқлари кўп. Парвариш қилган ниҳолинг тўғри унмаса қийин. Мен отанинг ўғил-қизларини яхши биламан. Ўғиллари кетмон ушламай улғайишди ҳисоб. «Мен ўқимаганман, болаларим ўқисин, Маликбой», дерди ота дадамга гап орасида. Ўзи айтганидек, ўғилларини ўқитди. Бири олим, бири терговчи, бири корхона бошлиғи... Аммо, отасига энди улардан наф йўқ...

Уйга қайтар эканман отанинг маҳзун қиёфаси хаёлимдан кетмас эди. Кексайганда ҳеч кимга музтар қилмасин. Онам доим бир ўгитни такрорлайди: «Болам, болаларинг улғайгани сайин ташвишларинг улғайиб бораверади экан... Уларни мурғаклигидан йўлга сол».

Ашурмат отанинг оғзидан бол томиб мақтайдиган ўғиллари бугун куч-қувватдан қолган кезларида бирров йўқлаб қўйишса бўлмасмикан? Уларнинг томирларини қувватлантирган ким? Наҳотки, зиёли фарзандлар буни тушунишмаса?!

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

Бекажон

## Насиҳат деб ўйламанг

- Хамирга зувала қилаётганда қўлингизга ёпишмасин учун, ўсимлик ёғи суркаб олинг.
- Агар бир нечта макарон суқиб қўйсангиз хамир тез ошади.
- Юмшоқ хамирни дарров зувала қилиш мумкин. Бунинг учун унинг устини пергаментли қоғоз билан ёпиб қўйинг, ёки иссиқ сув солинган шиша билан бир-икки марта ишлов беринг.
- Торт, кекс, бисквитнинг хамири паст оловли иситгичда пиширилади ва 15 дақиқа унинг эшиклари очилмайди. Тайёр торт ёки кексни қолипи билан қўйманг, дарҳол дастурхонга қўйиб совутинг.
- Агар пирог, торт ёки кекс пишираётганда куйиб кетса, уни дастлаб совутинг, сўнгра куйган ерини қирғич ёрдамида оҳисталик билан тозаланг.
- Паст оловда пиширилган тухум қуймоқ, баланд оловда пиширилганига қараганда мазалироқ бўлади.
- Сабзавотларни қайнатаётганда унга бир бўлак қанд ташлаб юборсангиз, унинг мазаси соз бўлади.
- Ёғ сачраб кетмаслиги учун қозон тагига жиндек туз сепиб қўйинг.
- Агар ёнғоқни иссиқ духовкага бир неча дақиқа қўйсангиз, ёнғоқнинг пўсти дарров ажралади.
- Таббости учун қайнатилаётган картошкага жиндек сирка қўшиб юборинг, шунда у қораймайди.

**Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.**

Санъат

## БУ САФАР КИНОДА УЧРАШАМИЗ

***Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон болажонларимизга бағишлаб жуда кўп шеърий ва насрий китоблар ёзган. Унинг «Жуда қизиқ воқеа», «Аламазон ва унинг пиёдалари», «Олтин юракли автобола» сингари китоблари аллақачон ўқувчиларнинг севимли дўстларига айланиб кетган. Айниқса, «Даҳшатли мешполвон» эртак-қиссаси барчани бирдек ўзига мафтун этган.***

«Ўзбекфильм» киностудиясида машҳур режиссёр Мелис Абзалов худди шу эртак-қисса асосида «Мешполвон» мусиқали бадиий фильмини суратга олиш ишларини тугатди. Унинг сценарийсини Анвар Обиджоннинг ўзи ёзган. Бош ролни, яъни Мешполвон образини ўн тўрт ёшли мактаб ўқувчиси Юсуфжон Исмоилов меъёрига етказиб ижро этган. Умуман, бу фильмда машҳур артистлардан кўра кўпроқ болаларнинг ўзлари иштирок этгани диққатга сазовордир. Масалан, Ойтумор, Ачахон, Чумоқвой ролларини Зилола Салимова, Малика Маҳмудова, Муродилла Алимбоев ижро этишган.

«Мешполвон» мусиқали эртак фильми (мусиқаларни бастакор Мирхалил Маҳмудов ёзган, тасвирчи Талъат Мансуров эса тасмага кўчирган) болажонларимизга муносиб совға бўлади, деб ўйлаймиз. У яқин кунларда экранларда намойиш этила бошланади.

**Ғолиб МИРЗО.**

Билиб қўйган яхши

## ҒАРОЙИБОТЛАР КИТОБИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАН?

***Жаҳондаги энг машҳур китоблардан бири – «Гиннеснинг рекордлар китоби»нинг илк саҳифаларини пиво пиширувчи компаниянинг бошқарувчиси сэр Хью Бивер яратган эди.***

Аввал бошда сэр Хью дунёдаги энг қизиқ воқеаларнинг маълумотномасини китоб қилиб чиқармоқчи эди. Бу қизиқ воқеалар китоби унинг пиволари сотиладиган ҳар бир жойда туриши, ўқилиши керак эди.

Сэр Хью 1954 йилда эгизак Норрис ва Росс Маквиртерларни учратиб қолди. Бу «Ҳасан-Ҳусан»лар «Ўзинг чўққига чиқ» деган китоб чиқарар эди. Унда фақат спорт соҳасидаги рекордлар қайд қилиб бориларди. Сэр Хью «Ҳасан-Ҳусан»ларга ўзининг рекордлар китобини чиқаришни таклиф этди.

Шундай қилиб, 1954 йилда биринчи рекордлар китоби – «Гиннеснинг мумтоз китоби» босилиб чиқди. Унда дунёдаги энг ғалати, ғаройиб рекордлар, ажойиб табиий ҳодисалар ўрин олди: ким қанча кўп макарон еган... ким неча метр узунликда соқол ўстирган ва ҳоказо.

Китоб бир зумда тарқалиб кетди. Сэр Хью Бивернинг ўзи ҳам бу китобга кирди. Чунки у 1944 йилда Ла-Манш кўрфази устида дунёдаги энг катта понтон кўприкни қурган эди-да.

«Ҳасан-Ҳусан» Маквиртерлар ўз рекордлар китобларини Америка бозорига ҳам олиб чиқишди. Лекин аввал китоб тўрт йил сотилмай омборларда чанг босиб ётди. Кейин уни сув текинга тарқатиб юборишди. Ниҳоят 1961 йилдан бошлаб «Гиннес рекордлар китоби» Америкада ҳам ҳар йили нашр этиладиган бўлди. Кейин китоб бошқа мамлакатларга тарқалди. 1980 йилдан эътиборан унинг тиражи 3-5 миллион нусхага етди.

Китобнинг шуҳрати йилдан йилга ортди. Гиннес китобига киришга ишқибозларнинг сонсаноғига етиб бўлмай қолди. Рекорд қўйиш – ном чиқаришга ҳавасмандлар кўпайгандан кўпаярди. Бунинг орқасидан чиққан турли-туман ишкалликлар, машмашалар ҳам оз эмас эди. Аҳвол шу даражага етдики, Бразилия, Миср, Германия сингари мамлакатларда ҳаёт учун хавфли рекордлар қўйиш таъқиқланди.

1985 йилдан «Гиннес рекордлар китоби» янгиланди. Янги одамлар келди. Китобнинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди. 1997 йилдан бошлаб, 37 тилда нашр қилиниб, 149 мамлакатда сотилди. Китобнинг кекса муҳаррири Норрис Маквитер 1991 йилда ишдан бўшатилди. У Гиннес корпорациясидан кетгандан сўнг 1999 йилдан эътиборан ўзининг хусусий «Мингйиллик рекордлари китоби»ни нашр қилмоқда...

## ТОМИРГА НОМДОШ ПОЙТАХТ

*1. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асари. 2. Тожикистондаги нурчилар шаҳри. 3. Теннис майдони. 4. Наслдор чопқир от. 5. Испания футбол командаси. 6. Амир Темур даврида қўлланилган пул бирлиги. 7. Қадимий шарқ шаҳарларидаги бош майдон. 8. Ўзбекистондаги буюк шоир номи билан аталадиган вилоят. 9. Каштачиликда қўлланиладиган чок тури. 10. Суюқлик ва газларга оид қонун ихтирочиси, қадимги юнон олими. 11. Абу Али ибн Сино меросига мансуб фалсафий асар. 12. Машҳур курашчи, олимпиада ўйинлари чемпиони бўлган ватандошимиз. 13. Севишганлар учрашуви. 14. Буюк Британиядаги футбол командаси. 15. Қизил тусли қимматбаҳо тош. 16. Йиртқич ов қуши. 17. Сунъий тола. 18. Шоира Зулфия сазовор бўлган халқаро мукофот. 19. Раҳбарлик лавозими. 20. Сайроқи парранда. 21. Бўлинмас зарра. 22. Шаҳарнинг маъмурий ҳудуди. 23. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 24. Газ тури. 25. Атом ядроси таркибидаги электр зарядидан ҳосил бўлган зарра. 26. Мўйнали жонивор. 27. Таниқли авиаконструктор. 28. Қон томирига номдош пойтахт. 29. Сунъий каучук, нил бўёқлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган рангсиз суюқлик. 30. Оламни сув босиши ривояти билан боғлиқ пайғамбар.*

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**



Ўзингизни синанг

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2001 ЙИЛ 3 ЯНВАРЬ СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**
1. Навоий. 2. Йилнома. 3. Анъана. 4. Асад. 5. «Дўстлик». 6. Кабиса. 7. Абдуллаев. 8. Вақт. 9. Тошкент. 10. Торт. 11. Токио. 12. Олимпиада. 13. Айём. 14. Милод. 15. Дастурхон. 16. Нашида. 17. Авлод. 18. Давр. 19. «Роҳат». 20. Тонг. 21. Гринвич. 22. Чиннигул. 23. Лапар. 24. Рақс. 25. «Сетора». 26. Арча. 27. Аския. 28. Япония. 29. Яхшилик. 30. Канада. 31. Аёз. 32. Завқ. 33. Қизиқчи. 34. Ирода.35. Австралия. 36. Якун.

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 10 ЯНВАРЬ СОНИДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**
**ЁЙ БЎЙИЧА**: 1. Карат. 2. Какао. 3. Келес. 4. Кепак. 5. Калий. 6. Катет. 7. Камол. 8. Камий. 9. Кариб. 10. Камон. 11. Кения. 12. Кесим. 13. Кейин. 14. Кигиз. 15. Когон. 16. Кошин. 17. Косон. 18. Кокос. 19. Кўмир. 20. Кўлоб. 21. Кўсак. 22. Кўрик. 23. Кўчат. 24. Кўмак. 25. Курил. 26. Кураш. 27. Коший. 28. Котиб. 29. Каноп. 30. Кабир. 31. Кулол. 32. Кулон. 33. Кичик. 34. Китоб. 35. Каноэ. 36. Калит. 37. Касса. 28. Катод. 39. Крона. 40. Кросс. 41. Кварц. 42. Квант. 43. Карта. 44. Карки. 46. Кашта. 47. Камар. 48. Каккур.
**БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА РАҚАМ АТРОФИГА:**
49. Кавказ. 50. Каптар. 51. Курмак. 52. Кактус. 53. Куртак. 54. Канпур. 55. Клапан. 56. Купала. 57. Корпус. 58. Кетмон. 59. Кеплер. 60. Куплет. 61. Кунжут. 62. Кашкул. 63. Карнай. 64. Каштан. 65. Компас. 66. Коинот. 67. Капрон. 68. Калхат.
**МУАММОНОМА**
**ОЧҚИЧ СЎЗЛАР**: 1. Каратэ. 2. Кашанда. 3. Кокс. 4. Кий. 5. Кўл.
**ҲИКМАТ**: Саломатлик тўни эскирмайди.




Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 24-28 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг бошларида айрим ҳудудларда кучсиз қор ёғиши эҳтимоли бор. Ғарбдан Шарққа томон эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7-12 метрга етади. Кечалари ва эрталаблари туман тушади.

Ҳарорат кечалари 5-10 даража, кундуз кунлари эса, 0-5 даража совуқ бўлади. Кейинчалик кундузги ҳарорат 2 даража совуқ, 3 даража илиқ атрофида бўлиши кутилади.

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйҳатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6